

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2024 йил июль ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Томди туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи Д.А.Эргашева,

А.Бердимуродов ва Ж.Мавлоновнинг котиблигида, Томди туман прокурори ёрдамчиси Ф.Нажмиддинов, судланувчи О.Хамроев ва унинг ҳимоячиси – адвокат Б.Сайфиев, судланувчи А.Асатов ва Ҳ.Мурадовлар ҳамда уларнинг ҳимоячиси – адвокат А.Тулаевнинг иштирокида, судланувчи Хамроев Озоджон Ҳамза ўғли, Асатов Асадбек Садриддин ўғли ва Мурадов Ҳасан Ботиржон ўғлиларга нисбатан бўлган 1-2108-2401/42-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Хамроев Озоджон Ҳамза ўғли (Хамроев Озоджон Намза о'ғ'ли), 2002 йил 3 июль куни Навоий вилояти Навбаҳор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, ЯТМФШ, муқаддам судланган, Навбаҳор тумани “Сарой” маҳалласи, Капаравот кўчаси 94-уйда яшайди, иш бўйича 2024 йил 2 март куни “қамоққа олиш тарзидаги” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 7 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Судланувчи Асатов Асадбек Садриддин ўғли (Asatov Asadbek Sadriddin o'g'li), 2003 йил 19 январь куни Навоий вилояти Навбаҳор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, ЯТМФШ, муқаддам судланмаган, Навбаҳор тумани “Совунгар” маҳалласи, Совунгар кўчаси 35-уйда яшайди, иш бўйича 2024 йил 2 март куни “қамоққа олиш тарзидаги” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 7 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Судланувчи Мурадов Ҳасан Ботиржон ўғли (Murodov Hasan Botirjon o'g'li), 1998 йил 29 июль куни Навоий вилояти, Кармана туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, ЯТМФШ, муқаддам судланмаган, Кармана



тумани, “М.Саид Баҳром” МФЙ, Жасорат кўчаси, 14-уйда яшайди, иш бўйича 2024 йил 11 апрель куни “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 7 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, томонларнинг музокара сўзларини тинглаб, судланувчиларнинг музокара ва охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Асатов Асадбек Садриддин ўғли гиёхвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсадида, таниши Хамроев Озоджон Ҳамза ўғли билан бир гуруҳ шахслар бўлишиб, олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, ўз жиноий режаларини амалга ошириш мақсадида, 2024 йил 21 январь куни соат 14:30ларда, таниши Мурадов Ҳасан Ботиржон ўғлининг Кармана тумани, “Мир Саид Баҳрон” маҳалласида жойлашган яшаш хонадонига боришиб, унга ўзи истъёмол қилиш мақсадида гиёхвандлик воситаси беришини айтиб, бунинг эвазига Ҳ.Мурадовнинг ихтиёрида бўлган банк пластик картасига таниши З.Нурматова томонидан пул ўтказилишига эришиб, мазкур пуллар эвазига Навоий вилояти ИИБ ЭКБнинг 23.01.2024 йилдаги 59-сонли экспертиза хулосасига кўра 0.73 грамм ҳамда ушбу экспертизасининг 60-сонли хулсасига кўра 0.34 грамм миқдордаги марихуана гиёхвандлик воситасини қўлга киритишиб, қўлга киритилган гиёхвандлик воситасини икки қисмга бўлишиб, бир қисмини шу куннинг ўзида соат тахминан 23:30ларда, таниши, яъни Учқудуқ тумани И.Бухорий кўчаси, 7-уй, 9-хонадонда яшовчи фуқаро Нурматова Зебохон Шаҳратжон қизининг яшаш хонадонига олиб келишиб, ушбу хонадонда З.Нурматовага Навоий вилояти ИИБ ЭКМнинг 2024 йил 23 январь кунидаги №59-сонли экспертиза хулосасига кўра, “қуруқ ҳолатдаги, ўткир ҳидли, оғирлиги 0.73 граммни ташкил қилувчи “марихуана” гиёхвандлик воситаси”ни олдиндан олинган 594 минг сўм пуллар эвазига сотиб ўтказиб, қолган иккинчи қисми ҳисобланган Навоий вилояти ИИБ ЭКМнинг 2024 йил 23 январь кунидаги №60-сонли экспертиза хулосасига кўра, “қуруқ ҳолатдаги, ўткир ҳидли, оғирлиги 0.34 граммни ташкил қилувчи “марихуана” гиёхвандлик воситаси”ни келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб келаётганлиги ҳолати туман ИИБ ЖҚБ ва ДХХ Учқудуқ тумани бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор-тадбир давомида аниқланиб, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда далилий ашёлар тегишли тартибида расмийлаштириб олинган.

“Марихуана” гиёхвандлик воситаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрь кунги 878-сонли қарорига



асосан, гиёҳвандлик воситалари туркумига кириб, улар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш тақиқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи А.Асатов, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у ишончнома асосида расмийлаштирилган Матиз русумли 85 М 548 ЖА давлат рақам белгили автомашинани бошқариб, Навоий шаҳар ҳудудида киракашлик фаолияти билан шуғулланиб туришини, у Ҳамроев Озоджон Ҳамза ўғлини бир неча йилдан буён танишлигини, 2024 йил 21 январь куни соат тахминан 10:00да таниши О.Ҳамроев қўнғироқ қилиб, қаерда эканлигини сўраганини ва О.Ҳамроев ёнига келганини, шаҳар ҳудуди бўйлаб киракашлик қилиб юрганида, О.Ҳамроев ҳам у билан автомашанада бирга юргани, шу вақтда О.Ҳамроевнинг телефон аппаратида қўнғироқ бўлгани ва у телефон орқали аёл киши билан гаплашганини эшитганлиги, О.Ҳамроев телефон орқали гаплашиб бўлганидан сўнг унга Учқудуқ туманида яшовчи З.Нурматова исмли таниши қўнғироқ қилгани, З.Нурматова ундан ўз истеъмоли учун гиёҳвандлик воситаси топиб беришини илтимос қилганлигини маълум қилгани, шунда у З.Нурматова ишончлими ёки йўқлигини О.Ҳамроевдан сўраганида, у унга З.Нурматова ишончли эканини, уни бир неча ойдан буён танишини ва муносабатлари яхши эканини билдиргани, шунда у О.Ҳамроевга З.Нурматова исмли аёлдан гиёҳвандлик воситалари учун пулларни олдиндан ташлатиб, сўнг ушбу пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборишни таклиф қилганлигини, у эса З.Нурматова ишончли эканини, бундай қилмаслигини айтгани, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг З.Нурматова яна О.Ҳамроевга қўнғироқ қилгани ва улар ўзаро гаплашгани, шунда у О.Ҳамроевга телефон гўшагини унга беришини айтганлигини ва ўзи З.Нурматова исмли аёл билан гаплашганлигини, шунда у З.Нурматовага уни ким билан яшашлигини сўраганида, у бир ўзи яшашлигини маълум қилгани, сўнг З.Нурматова унга агар икки маротаба чекишга етадиган гиёҳвандлик воситаси бўлса сотиб олишини маълум қилгани, у эса унга гиёҳвандлик воситаси топиб беришини, бунинг эвазига икки маротаба чекиш учун етадиган гиёҳвандлик воситаси учун 400 минг сўм ва ўзининг бошқарувида бўлган автомашина билан Учқудуқ туманига бориб, унга гиёҳвандлик воситаларини бериб келиш учун етадиган йўл ҳаражатлари эвазига яна 200 минг сўм миқдоридаги ва жами 600 минг сўм миқдоридаги пулларни беришини айтганида, у рози бўлгани, у З.Нурматова билан гаплашмасдан аввал З.Нурматовага икки маротаба чекишлик гиёҳвандлик воситаси, ҳар бир чекишлик 200 минг сўмдан жами 400 минг сўм бўлишини айтган бўлганлигини, сўнг у О.Ҳамроев билан ўзаро келишиб, унга аввалдан таниш бўлган Кармана тумани ҳудудида яшовчи Хасан ака исмли шахснинг яшаш хонадонига бошқарувидаги автомашина билан борганликларини, сўнг у Хасан аканинг яшаш хонадони ёнига бориб, унга қўнғироқ қилганлигини ва ташқарига чиқишини айтганлигини, Хасан ака ёнига чиққанини, ундан икки маротаба чекишлик гиёҳвандлик воситаси сотиб олиши



кераклигини, агар унда бўлса сотиб олишини айтганида, у рози бўлгани, сўнг Хасан ака унинг автомашинасига ўтиргани ва у, О.Ҳамроев ва Ҳ.Мурадов билан биргаликда Ҳ.Мурадов айтган манзилга борганликларини, борган жойлари ташландиқ бўлгани, Ҳ.Мурадов автомашинадан тушиб, гиёҳвандлик воситаси олиб келгани ва унга икки маротаба чекишлик қуриқ ҳолатдаги марихуана гиёҳвандлик воситасини бир бўлак ёзувлари мавжуд қоғозга ўраб унинг қўлига бергани, шунда Ҳ.Мурадовга гиёҳвандлик воситасини ҳар бир чекишлиги учун 150 минг сўмдан жами 300 минг сўм беришини айтгани, бу вақтда О.Ҳамроев ҳам ёнида тургани, О.Ҳамроев З.Нурматовага қўнғироқ қилиб, пулларни ташлашини, айтганида З.Нурматова ушбу 600 минг сўм миқдоридagi пулларни клик иловаси орқали ўтказиб юборишини айтгани ва Ҳ.Мурадовга бу ҳақда айтганида Ҳ.Мурадов пластик карта рақамини О.Ҳамроевга айтиб тургани ва О.Ҳамроев ушбу пластик карта рақамларини смс тарзда З.Нурматовага юборгани, орадан ярим соат ўтганидан сўнг З.Нурматова Ҳ.Мурадов айтган пластик картага жами 594 минг сўм миқдоридagi пулларни ўтказиб бергани, шундан сўнг унинг Ҳ.Мурадовдан олдиндан пул қарз олганлиги сабабли 150 минг сўм миқдоридagi қарзи ҳам бўлганлиги сабабли, ушбу пуллардан унинг аввалги қарзини ва гиёҳвандлик воситаси учун пулларни олиб қолишини айтганлигини, Ҳ.Мурадов қапрзни ҳисоблаб, унга ўзида мавжуд бўлган 150 минг сўм миқдоридagi нақд пулларни бергани, сўнг О.Ҳамроев З.Нурматовага қўнғироқ қилиб, Учқудуқ туманига йўлга чиқишларини айтгани, бошқарувидаги Матиз русумли 85 М 548 ЖА давлат рақам белгили автомашина билан Учқудуқ туманига йўлга чиқишга тайёргарлик кўраётганида унга олдиндан таниш бўлган Бекзодни ҳам ўзи билан олиб кетишни О.Ҳамроевга таклиф қилганлигини ва у рози бўлгани, у Бекзодга қўнғироқ қилиб, вақти бўладиган бўлса Учқудуқ туманига бориб келишни, у ерда 3 нафар қизлар борлигини, улар билан бир кеча қолиб дам олишни ва эртаси куни қайтиб келишни айтганида, у рози бўлгани ва ёнига келгани, сўнг у, О.Ҳамроев ва Бекзод билан Учқудуқ туманига йўл чиққанлиги, йўл-йўлакай О.Ҳамроевга З.Нурматова бир неча маротаба қўнғироқ қилгани ва унга бораётганлигини айтгани, Бекзодга З.Нурматова исми аёлга гиёҳвандлик воситасини сотиб ўтказиш мақсадида олиб бораётганлигини айтмаганликларини, соат тахминан 23:30да улар Учқудуқ туманига келиб, И.Бухорий кўчаси 7-уй ёнига борганликларини, О.Ҳамроев З.Нурматовага қўнғироқ қилгани ва уйда ким борлигини сўраганида З.Нурматова бир ўзи эканини айтгани ва О.Ҳамроев унга автомашинада кутиб ўтиришини, унинг ўзи бориб, гиёҳвандлик воситасини унга беришини маълум қилгани ва автомашина бардачогида турган Ҳ.Мурадовдан сотиб олган марихуана гиёҳвандлик воситаси солинган ёзувли бир қисм қоғозни ўзи билан олгани ва унинг яшаш хонадонига кириб кетгани, бироздан сўнг О.Ҳамроев унга қўнғироқ қилиб, 9-хонадонга келишни, уйда ҳеч ким йўқлигини айтгани, сўнг у ерга кирганликлари шунда З.Нурматова ундан 400 минг сўм эвазига олиб



келган “нарса” шуми деб норози оҳангда сўрагани ва қоғоздаги марихуана гиёҳвандлик воситасини кўрсатгани, у гиёҳвандлик воситасини улар билан биргаликда истеъмол қилиш мақсадида унинг бир қисмини олгани ва унинг яшаш хонадонидида мавжуд бўлган фалга қоғозига чекиш учун тахлагани, шу вақтда ушбу хонадонга ИИБ ходимлари келишгани ва З.Нурматовадан марихуана гиёҳвандлик воситасини расмийлаштириб олишгани, шундан сўнг у улар билан биргаликда истеъмол қилиш учун тайёрлаган марихуана гиёҳвандлик воситасини ҳам кўрпача тагидан топишиб, расмийлаштириб олишгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва айбига иқрорлигини инобатга олиб, унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи О.Хамроев, айбига қисман иқрорлик билдириб, 2024 йил 21 январь куни соат тахминан 08:00да унга аввалдан таниш бўлган Учқудуқ туманида яшовчи З.Нурматова исмли таниши унга кўнғироқ қилгани, у билан гаплашганида З.Нурматова ундан гиёҳвандлик воситаси кераклигини, мехмонлари келгани, сотиб олишини, агар топиб берса пулини бериб сотиб олишини маълум қилгани, шунда у бундай моддалар билан шуғулланмаслигини айтиб, телефонни ўчиргани, сўнг таниши Асадга кўнғироқ қилиб, у билан кўришгани, А.Асатовнинг ёнида бўлганида З.Нурматова яна кўнғироқ қилгани ва гиёҳванд модда топиб беришини сўрагани, унинг бу гапларни таниши А.Асатов ҳам эшитиб тургани, А.Асатов унга телефон гўшагини беришини айтгани ва А.Асатов З.Нурматова билан телефон орқали гаплашиб, унга гиёҳвандлик воситасини ўзи топиб беришини айтгани, З.Нурматова ундан ушбу гиёҳвандлик воситаларини қандай қилиб унга Учқудуқ туманига бериб юборишини сўраганида А.Асатов ундан бериб юборишини айтгани, сўнг у бунга рози бўлмагани, сўнг А.Асатов ўзининг бошқарувидаги автомашина билан ўзи етказиб беришини, бунинг учун 200 минг сўм йўлқира беришини айтганида З.Нурматова рози бўлгани, сўнг З.Нурматова А.Асатовга икки маротаба чекишлик учун гиёҳвандлик воситаси ва Учқудуқ туманига келиб-кетиши учун қанча беришини сўраганида А.Асатов унга жами 600 минг сўм, яъни 400 минг сўм гиёҳвандлик воситаси учун 200 минг сўм йўл ҳақи учун ташлаб беришини маълум қилгани ва З.Нурматова рози бўлгани, З.Нурматова шунда пулни Учқудуқ туманига келганидан сўнг беришини айтганида А.Асатов бунга рози бўлмагани ва пулни олдиндан ташлаб беришини айтгани, шунда А.Асатов ундан ёнида пластик карта бор ёки йўқлигини сўрагани, у эса унга пластик картаси йўқлигини айтгани, сўнг А.Асатов билан биргаликда Кармана тумани ҳудудидаги тиббиёт бирлашмаси атрофидаги қишлоқлардан бирига борганлиги, у ерда Ҳасан исмли фуқаро уйдан чиқиб автомашинага ўтиргани, шунда А.Асатов унга икки маротаба чекишлик гиёҳвандлик воситаси кераклигини маълум қилганида у унда борлигини ва пулни тайёр ёки йўқлигини сўрагани, шунда А.Асатов унга пулларни унинг пластик картасига ўтказиб беришини айтгани,



Ҳ.Мурадов айтган манзилга Кармана тумани худудидаги коллеж орқасидаги ташландиқ жойга боришгани, шу ерда А.Асатовнинг қўлида оқ рангли бир икки бўлак қоғога ўралган гиёҳвандлик воситаси борлигини кўргани, сўнг Ҳ.Мурадов ундан пулларни сўрагани, шунда А.Асатов З.Нурматовга бир неча маротаба қўнғироқ қилиб, пулларни ташлаб беришини айтгани ва Ҳ.Мурадов айтган пластик картага ташлаб беришини маълум қилгани, орадан 30 дақиқа ўтганидан сўнг жами 594 минг сўм миқдоридаги пуллар Ҳ.Мурадовнинг пластик картасига тушгани, сўнг А.Асатов ва Ҳ.Мурадов олдиндан олди-бердиси борлигини бўйича ўзаро гаплашишгани, сўнг улар кетишгани, сўнг у уйига кетгани, 2 соатлардан сўнг Учқудуқ туманига, Бекзод, у ва А.Асатов йўлга чиқишгани, йўл-йўлакай З.Нурматова унга қўнғироқ қилганида, унга йўлда бораётганлиги тўғрисида айтгани, соат 23:30да Учқудуқ туманига кириб бориб, И.Бухорий кўчаси 7-уй ёнига борганликларини, у ерга борганида А.Асатов унга З.Нурматовани яхши танимаслигини ва бироз ишонмаётгани, шу сабабли аввал у унинг яшаш хонадонига кириб, вазиятни билганидан сўнг унга қўнғироқ қилишини айтгани ва унга автомашинаси саломидаги бардачокда турган икки бўлак қоғозчага солинган марихуана гиёҳвандлик воситасини унга бергани ва у уни олиб, З.Нурматованинг яшаш хонадонига киргани, З.Нурматова билан кўришиб, яшаш хонадонини кўздан кечирганлигини ва А.Асатовга қўнғироқ қилиб, уни келаверишини айтганлигини, у Бекзод билан кириб келгани, шунда у чўнтагида бўлган марихуана гиёҳвандлик воситасини З.Нурматованинг ёнига қўйганлигини ва З.Нурматова уни олиб очиб ҳидлаб кўргани, 600 минг сўмга “шугина нарса” олиб келганликни сўраб норози ҳолатда гапиргани, сўнг улар ичишга келишганликларини ва З.Нурматова ушбу гиёҳвандлик воситасидан чекиб кўришини айтгани ва А.Асатов ушбу гиёҳвандлик воситасидан бироз олиб фалга қоғозга ўраб истеъмол учун тайёрлай бошлагани, шунда А.Асатов ўзи тайёрлаган нарсани кўрпача тагига тиқиб қўйгани, қолган марихуана гиёҳвандлик воситасини З.Нурматова олиб қўйгани, сўнг улар З.Нурматовадан дугоналари қачон келишини сўраганида, у ўзига тегишли телефон аппаратидан бир қизга қўнғироқ қилгани ва унга келишини сўрагани, бироздан сўнг ушбу хонадонга ИИБ ходимлари келишгани ва марихуана гиёҳвандлик воситаларини назорат тартибида ўлчаб, расмийлаштириб олишгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ҳ.Мурадов, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил ёз ойларида қишлоғининг ариқ бўйида ўсиб турган ҳолатдаги наша гиёҳвандлик воситасига ўхшаш ўсимлик ўсиб турганини кўриб, ушбу ўсимликка қизиқиши пайдо бўлиб, ўсиб турган ўсимлик барги ва шоидан озроқ синдириб олиб яшаш хонадонига олиб кетганлигини, у ушбу гиёҳвандлик воситасини хонадонига олиб бориб, қўшимча хўжалик биносига яшириб қўйганлигини, 2023 йилнинг охирлари яъни, декабр ойларида “Асад” исмли йигит билан Кармана



тумани ҳудудида танишиб қолганлигини ва у билан яқин муносабатларга киришганликларини, у билан суҳбатлари давомида у ундан гиёҳвандлик воситаси яъни наша бўлса олишини айтганини, бу ҳақида у билан бир-икки мартаба суҳбатлашганлигини, ушбу суҳбатлари давомида у унга ўзида озроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситаси борлигини маълум қилганлигини, 2024 йил январ ойларида А.Асатов ундан ушбу гиёҳвандлик воситасини унга сотишини сўрагани, у унга ушбу гиёҳвандлик воситасини сотишини айтганлигини, 2024 йил 21 январ куни тушлик вақтларида А.Асатов ўзининг бошқарувида бўлган “Матиз” русумли транспорт воситасида келгани, ушбу транспорт воситаси ичида унга олдиндан таниш бўлмаган, кейинчалик билишича Озод исмли йигит ҳам бор бўлгани, у хонадонининг қўшимча хўжалик биносида яширинча сақлаб келган гиёҳвандлик воситасини целлофан пакетга ўраб дарвозага олиб чиқиб турганлигини, А.Асатов автомашинадан тушиб ундан гиёҳвандлик воситасини унга беришини сўрагани, у ёнидаги гиёҳвандлик воситасини унга берганлигини, у эса ушбу гиёҳвандлик воситаси учун пул беришини айтганида унга қанча берса бераверишини айтганлигини, сўнг у ундан пластик картаси бор ёки йўқлигини сўраганида, у унга турмуш ўртоғининг номига расмийлаштирилган пластик картасини рақамини берганлигини, сўнг А.Асатов кимгадир кўнғироқ қилгани, унинг кўнғироғига жавоб берган аёл киши пластик картасига 600 минг сўм миқдордаги пулларни ташлаб бергани, А.Асатов эса унга берган гиёҳвандлик воситасини олиб кетгани, пластик картага тушган пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаганлигини, айбига иқрорлигини ва чин кўнғилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга қонуний енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи О.Хамроев, А.Асатов ва Ҳ.Мурадовларнинг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, уларнинг айби суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ З.Нурматова, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, у Хамроев Озоджон Ҳамза ўғлини бир неча йилдан буён танишлигини, у билан муносабатлари яхши бўлгани, 2024 йил 20 январь куни соат 17:00да унга О.Хамроев кўнғироқ қилгани, бироз суҳбатлашганидан сўнг у унга гиёҳвандлик воситалари борлигини, агар харидор бўладиган бўлса сотиб беришини илтимос қилгани, у эса унга ўйлаб кўриб жавобини айтишини маълум қилганлигини, сўнг у бу ишларни ноқонуний эканлигини билгани сабабли ИИБ ходимларига ариза билан мурожаат қилганлигини ва унга нисбатан қонуний чора кўришларини сўраганлигини, сўнг ИИБ ходимлари унинг аризасига асосан ушбу ҳолатни текшириб кўриш мақсадида тезкор-тадбир ўтказишларини маълум қилишгани ва унга тадбир ўтказилиш тартибини тушунтиришгани, сўнг ИИБ ходимлари унга холислар иштирокида баённома асосида 600 минг сўм миқдордаги пулларни беришгани ва ушбу пулларни қай тартибда ишлатишини



тушунтиришгани, сўнг 2024 йил 21 январь куни у ўзига тегишли телефон аппаратидан О.Хамроевнинг телефон рақамига қўнғироқ қилганлигини ва унга унда мавжуд бўлган гиёҳвандлик воситаларини сотиб олишини, ушбу гиёҳвандлик воситаларини бошқа фуқароларга сотишини айтганида О.Хамроев рози бўлгани ва унга 2 дона гугурт қутиси миқдорида сотиб олишини айтганлигини, бу суҳбатни ИИБ ходимлари ҳам эшитиб туришгани, у аризасида мазкур тадбирда шартли харидор сифатида қатнашишини маълум қилганлиги сабабли, О.Хамроевга ўзини харидор сифатида кўрсатганлигини, шунда О.Хамроев унга ушбу гиёҳвандлик воситаларини топиш ва элтиб беришга ёрдам берувчи таниши борлигини айтгани ва телефон гўшагини Асадбек исмли танишига бергани, шунда у А.Асатов билан телефон орқали гаплашганлигини, шунда А.Асатов унга О.Хамроевни таниши эканини, унинг ўзига тегишли бўлган автомашинаси борлигини ва ушбу автомашинаси билан у сотиб олмоқчи бўлган гиёҳвандлик воситаларини унга олиб келиб беришини айтгани, сўнг А.Асатов ундан айнан қанча миқдорда гиёҳвандлик воситалари сотиб олишини сўраганида, у унга 2 дона гугурт қути миқдорида гиёҳвандлик воситалари сотиб олишини маълум қилганлигини, шунда у ҳар бир гугурт қутиси учун 200 минг сўмдан жами 2 дона гугурт қутиси учун 400 минг сўм миқдорида пул маблағи беришини, бундан ташқари, у автомашинаси учун Учқудуқ туманига бориб келгани учун йўл ҳақи сифатида яна 200 минг сўм миқдоридаги пулларни беришини айтгани ва у рози бўлганлигини, сўнг орадан бироз вақт ўтганидан сўнг О.Хамроев унга қўнғироқ қилгани ва пулларни олдиндан пластик картага ўтказиб юборишини айтгани ва унга нотаниш бўлган, аёл кишига тегишли бўлган Хумо пластик картасини смс тарзда ташлаб юборгани, сўнг бироздан кейин О.Хамроев унга яна қўнғироқ қилиб, пулларни бошқа пластик картага ташлаб юборишини айтгани ва смс қилиб пластик карта рақамларини ташлагани, шундан сўнг у О.Хамроев айтган пластик картага жами 600 минг сўм миқдоридаги пулларни ташлаб юборганлигини, ушбу пуллардан тахминан 5-6 минг сўмини банкоматдан ўтказганлиги сабабли ўтказиш фоизи ушлаб қолингани, сўнг орадан бир-икки соат ўтганидан сўнг у О.Хамроевга қўнғироқ қилганида улар йўлга чиқишганини маълум қилишгани, шу вақтда у уларга икки нафар дугонасини ҳам чақиришини, улар билан биргаликда яшаш хонадонига ўтиришни айтганлигини, сўнг соат тахминан 23:30да О.Хамроев яшаш хонадонига келгани ва у уни яшаш хонадонига киргани, сўнг атрофни бир неча дақиқа кузатиб, сўнг А.Асатовка қўнғироқ қилгани ва хонадонига кираверишини айтгани, сўнг А.Асатов ва яна бир нафар таниши яшаш хонадонига келишгани, шунда О.Хамроев унинг яшаш хонадонига киришда кириш эшиги ёнида тўшалган гилам остига нашани қўйиб, яшаш хонадонини кўздан кечирганидан сўнг у ердан олиб келгани, у улардан гиёҳвандлик воситаларини олиб келишгани ёки йўқлигини сўраганида О.Хамроев эгнида бўлган кийим чўнтагидан олиб оқ плавсмак қути ичида бўлган



марихуана гиёҳвандлик воситасини унга бергани, сўнг у нимага бунча кам миқдорда эканини айтганида А.Асатов унга ўзи сотилиши деб айтгани, бу ҳолатни унга кейинчалик таниш бўлган Бекзод исмли фуқаро ҳам кўриб тургани, шу вақтда у ИИБ ходимларига тегишли ишорани бергани ва ИИБ ходимлари яшаш хонадонига келишгани, яшаш хонадонидан у О.Хамроевдан олган марихуана гиёҳвандлик воситасини расмийлаштириб олишгани ва холислар иштирокида назорат тартибида ўлчашгани, у гиёҳвандлик воситалар олди-сотдисига қарши экани, шу сабабли тадбирда иштирок этгани, бундан ташқари яна бир тадбирда аризачи сифатида қатнашгани, бу жинойтларга чек қўйиш учун у тадбирларда қатнашавериши ва жинойт ҳақида билиб қолса албатта хабар беришини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Т.Ялгашев, 2024 йилнинг 21 январь куни туман ҳудудида ўз ишлари билан юрган вақтида, унинг ёнига ИИБ ходимлари уни чақириб, тезкор-тадбирда холис сифатида қатнашиб беришини сўрашгани, у рози бўлганидан сўнг, ИИБ ходимлари унга ҳуқуқ мажбуриятларини тушунтиришгани, ИИБ ходимлари билан биргаликда ИИБ биносига боргани, ИИБ хизмат хонасида фуқаро З.Нурматовага 600 минг сўм миқдорда пул беришганини, ушбу пул миқдори туман марказидаги бозор ҳудудида жойлашган бонкамат орқали 8600060999135016 рақамли банк пластик картасига ўтказма қилинганини, ушбу ўтказма амалга оширилганлиги юзасидан З.Нурматованинг 94-251-00-21 телефон рақамига смс хабар келиб тушгани, сўнг Учқудуқ тумани И.Бухорий кўчаси, 7-уй, 9-хонадонда тадбир давом эттирилиб, кечки пайтда ушбу хонадонга кириб борилганда, хонадонда 3 нафар бегона шахслар борлигини аниқлашгани, ушбу шахсларга ёнида ноқонуний нарса-буюмлар бўлса тақдим қилиш сўралгани, сўнг ўзини А.Асатов деб таништирган шахс ўтирган кўрпачанинг остидан фальга қоғозга ўралган ҳолатдаги кўкимтир рангли ўткир ҳидли моддаларни тақдим қилгани, бундан ташқари З.Нурматова яшаш хонадони ошхона қисмидан ҳам қоғозга ўралган ҳолатдаги гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддалар келтириб бергани, гиёҳвандлик воситалари уларнинг иштирокида ўлчаниб, баённома орқали расмийлаштириб олингани, у барча ҳужжатларни ўқиб чиқиб, имзолаб бергани тўғрисида кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ М.Раббимов у Учқудуқ тумани ИИБ ҳузуридаги ТГ катта терговчиси лавозимида ишлаб келишини, А.Асатов, А.Хамроев ва Ҳ.Муродовлар оид жинойт иши бўйича тергов ҳаракатларини ўтказганлигини, судланувчиларнинг процессуал ҳуқуқлари бузилмагани, тергов жараёнида ҳимоячи жалб қилинганини, ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилганини, судланувчилар жинойт иши билан таништирилганини, шунда улар томонидан эътироз бўлмаганини, А.Асатов кўрсатмасини ўзгартириши бўйича мурожаат қилмаганини, дастлабки тергов жараёнида судланувчиларга нисбатан



тазйиқ ўтказилмаганини, тергов ҳаракатлари процессуал тартибда ўтказилганлигини билдириб кўрсатув берди.

Шунингдек, судланувчи А.Асатов, О.Хамроев ва Ҳ.Мурадовнинг айби, иш ҳужжатларида мавжуд З.Нурматованинг аризаси, пулларни тақдим қилиш ҳамда кўздан кечириш тўғрисидаги баённома, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, Навоий вилояти ИИБ ЭКБнинг 59-сонли ҳамда 60-сонли экспертиза хулосалари, гувоҳ З.Нурматова томонидан ихтиёрий тақдим қилинган уяли алоқа воситасини кириш-чиқиш тарихини олиш ва кўздан кечириш баённомаси, айбланувчи Ҳ.Мурадовдан нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси билан олинган банк пластик картасининг айланма тарихи ҳамда қўнғироқлар жадвали, Ҳ.Мурадовнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, юзлаштириш тергов ҳаракати баённомалари ва жинойт ишида мавжуд ҳужжатлар, шунингдек суд мажлисида текширилган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Асатов ва О.Хамроевларнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан, шунингдек судланувчи Ҳ.Мурадовнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига кўра, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак;

30-моддасида, ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас;

55-моддасида, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади деб белгиланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра, судланувчи О.Хамроевнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига иқрорлиги ва пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топади, ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар судда аниқланмади.

Шу асосларга кўра, суд, О.Хамроевга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жинойт учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандига ва Жинойт



Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги раҳбарий кўрсатмасига амал қилиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, оилавий аҳволини, ёшини, гиёҳвандлик моддасининг миқдорини, муқаддам судланмаганлиги, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини инобатга олиб, унга ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроқ қисмини тайинлашни, ЖКнинг 60-моддаси тартибида унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Учқудуқ туман судининг 2023 йил 31 майдаги ҳукмига кўра тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтаттирилишини белгилашни, жазо муддатини О.Хамроев ушланган кундан бошланишини белгилашни, эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра, судланувчи А.Асатовнинг муқаддам судланмаганини, айбига иқрорлиги ва пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топади, ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар судда аниқланмади.

Шунингдек, А.Асатовга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандига ва Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги раҳбарий кўрсатмасига амал қилиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, муқаддам судланмаганини, оилавий аҳволини, ёшини, гиёҳвандлик моддасининг миқдорини инобатга олиб, унга ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроқ қисмини тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтаттирилишини белгилашни, жазо муддатини А.Асатов ушланган кундан бошланишини белгилашни, эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра, судланувчи Ҳ.Мурадовнинг муқаддам судланмаганини, айбига иқрорлиги ва пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топади, ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар судда аниқланмади.



Шунингдек, Ҳ.Мурадовга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандига ва Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги раҳбарий кўрсатмасига амал қилиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, муқаддам судланмаганини, оилавий аҳволини, ёшини, гиёҳвандлик моддасининг миқдорини инобатга олиб, унга ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроқ қисмини тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатирилишини белгилашни, жазо муддатини ҳукм чиқарилган кундан бошланишини белгилашни, эҳтиёт чорасини ўзгартириб, Ҳ.Мурадовни суд залида қамоққа олишни, гаров тариқасида “Инфин Банк” Навоий вилоят филиали махсус депозит ҳисобрақамида сақланаётган 10.000.000 сўм пулларни Ҳ.Мурадовнинг яқин қариндошларига қайтарилишини белгилашни лозим топади.

Суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган ДХХ Навоий вилоят бошқармасида сақланаётган оғирлиги 0,34 гр бўлган “марихуана” гиёҳвандлик моддасининг сигарет махоркаси билан аралашмаси ва оғирлиги 0,73 гр бўлган “марихуана” гиёҳвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Шунингдек, Навоий вилояти минтақавий филиалида ташкил этилган “Махсус наркологик Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази экспертиза ўтказиш гуруҳи” томонидан ўтказилган судга оид наркологик экспертиза хулосаларига кўра, судланувчи А.Асатов, Ҳ.Мурадов ва О.Хамроевлар гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий тиббий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилганлиги сабабли муҳокамадан чиқаришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига мувофиқ, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

1. Судланувчи Хамроев Озоджон Ҳамза ўғли (Хамроев Озоджон Ҳамза о'ғ'ли) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 2 (икки) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи О.Хамроевга тайинланган жазога Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Учқудуқ туман судининг 2023 йил 31 майдаги ҳукмига



кўра тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 2 (икки) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 2 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

О.Хамроевга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

2. Судланувчи Асатов Асадбек Садриддин ўғли (Asatov Asadbek Sadriddin o`g`li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 2 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

А.Асатовга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

3. Судланувчи Мурадов Ҳасан Ботиржон ўғли (Murodov Hasan Botirjon o`g`li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 2 (икки) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 5 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳ.Мурадовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм эълон қилинган вақтдан бошлаб бекор қилинсин ва дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Гаров тариқасида “Инфин Банк” Навоий вилоят филиали махсус депозит ҳисобрақамида сақланаётган 10.000.000 сўм пуллар Ҳ.Мурадовнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

ДХХ Навоий вилоят бошқармаси хўжалик бўлимида сақланаётган оғирлиги 0,34 гр бўлган “марихуана” гиёҳвандлик моддасининг сигарет маҳоркаси билан аралашмаси ва оғирлиги 0,73 гр бўлган “марихуана” гиёҳвандлик воситаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар 10 сутка ичида, судланувчилар эса уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб шу муддат ичида Навоий вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация инстанциясига шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Д.А.Эргашева

Ҳукм нусхаси аслига тўғри, судья

Д.А.Эргашева

